

ХИТОЙ, КОРЕЙС ВА ТУРКИЙ ХАЛҚЛАР МАДАНИЯТИДА ОЗИҚ-ОВҚАТ
ВА ЕГУЛИК БИЛАН БОҒЛИҚ ТАБУЛАР



<https://doi.org/10.5281/zenodo.7334389>

PhD. Шоҳистахон Шамсиева

Тошкент давлат шарқшунослик университети

“Таржимашунослик ва халқаро журналистика” кафедраси доценти в.б.

Абстракт: Мазкур мақолада хитой, корейс ва туркий халқларнинг овқатланиш маданияти билан боғлиқ этнографиктабулар ўрганилган. Озиқ-овқатларга хос табуларнинг асосий мақсади, айрим халқлар маданияти учун тақиқланган егуликларнинг бошқа маданиятлар учун меъерий ҳисобланиши, шунингдек, айрим динларда ҳаром деб ҳисобланган егуликларнинг турли дин вакилларига кўра ўзгариши каби масалалар таҳлил қилинган.

Калим сўзлар: овқат, егулик, табу, тақиқ, маданият

Abstract: In this article, the ethnographic taboos related to the food culture of Chinese, Korean and Turkish peoples are studied. The main purpose of food taboos is that the foods forbidden for the culture of some peoples are considered normative for other cultures, and the foods considered haram in some religions change according to representatives of different religions. Such issues were analyzed.

Key words: food, food, taboo, prohibition, culture

Табу сўзини биринчи марта инглиз капитани Жеймс Кук 1771 йилда Полинезиядаги Тонга оролида аниқлаган. Табу сўзи тонга тилидаги <тапу>та – “белгиламоқ”, “ажратмоқ” ва ри – “бутунлай” сўзларидан келиб чиққан бўлиб, “бутунлай ажратилган”, “алоҳида белгиланган”, яъни “ман этмоқ, тақиқламоқ” маъносини англатади¹. Табу аксарият халқларнинг мифологик инончлари асосида вужудга келади (Миртожиев, 2010: 119-120).

Табу маданий, диний, ирим ёки нохушлик уйғотиши нуқтаи назаридан муайян хатти-ҳаракатлар ёки айрим сўзлар қўлланишини тақиқлашдир. Яъни халқ тасаввурида, менталитетида, мифологик дунёқарашида зарар етиши мумкин бўлган бирор нарса, хатти-ҳаракат ва ҳ.к. бўлади. Халқ вакиллари томонидан зарар етказиши мумкин бўлган нарса, хатти-ҳаракат ва ҳ.к.нинг номини айтиш ёки шу хатти-ҳаракатни бажариш тақиқланади. Масалан, мусулмонларда “Қуръон” китобини таҳоратсиз қўлга олиш, ўзбекларда қиблага оёқ узатиб ўтириш ё ётиш, мўғулларда пичоқни оловга тиқиш ман қилинади. Булар диний нуқтаи назардан белгиланган табулардир.

Табулар иккига: *этнографик* ва *лингвистик* табуларга ажралади. Ўзбекларда супургини, ўқловни тик қўймаслик, бировнинг орқасидан супурмаслик, ахлатдан хатламаслик, оташкуракни оёқ остида қолдирмаслик, супрани эгасиз йиғмаслик, ноннинг ушоғини ерга туширмаслик, қайчини очиб қўймаслик, қалампирни қўлга бермаслик, туркий ва эроний халқларда сувни ифлослатмаслик, сувга тупурмаслик...кабилар иримга асосланган этнографик табулар ҳисобланади (Usmanova, 2017: 136-137).

Лингвистик табу луғавий бирликнинг ё халқ ирими нуқтаи назаридан, ё аташ нохушлик уйғотиши нуқтаи назаридан муомалада қўлланишининг тақиқланишидир (Ахманова, 1966: 467). Масалан, ўзбек тилида *чаён* сўзи тилга олинмайди. Чунки уни аташ чақириш маъносини беради, деб тушунилади. Маълумки, бу хашарот ҳавfli бўлиб, захари ниҳоятда ўткир. У чақса, қаттиқ азоб беради. Шунинг учун унинг номи ўзбекларда тақиқ қилиниб, ўрнига *отсиз* сўзи қўлланилади.

¹<https://ru.wikipedia.org/wiki/%D0%A2%D0%B0%D0%B1%D1%83>

Табуларнинг мақсади турличадир: муҳим шахслар, ҳукмдорлар ва ҳ.к. нинг ёмонликлардан ҳимоя қилиниши; аёллар, болалар, асосан, оддий кишиларнинг турли сеҳр-жодулардан сақланиши; муайян озиқ-овқатларни ейишдан қочиш; туғилиш, ўлим, турмуш куриш ва жинсий ҳаёт билан боғлиқ ҳимоялар; инсонларнинг худодлар ва инс-жинсларнинг қаҳр-ғазаби ва куч-қудратидан ҳимояланиши ва ҳ.к.

Демак, табу инсонларнинг муайян хатти-ҳаракатлари билан бирга, уларнинг еб-ичишига ҳам қаратилган тақиқлардир. Озиқ-овқатлар билан боғлиқ тақиқлар энг кўп тарқалган табулардир. Озиқ-овқатлар ва ичимликлардаги табуларнинг мақсади поклик ва тартибни сақлашдир.

Баъзи инсонлар ҳар хил диний, маданий, ҳуқуқий ёки бошқа тақиқлар туфайли турли хил озиқ-овқатлар ва ичимликларни истеъмол қилмайди. Аксарият озиқ-овқат табулари ва бошқа тақиқлар айрим ҳайвонларнинг гўштини, жумладан, сутэмизувчилар, кемирувчилар, судралувчилар, молюскалар, қисқичбақасимонлар ва ҳашаротлар гўштини истеъмол қилишни тақиқлайди. Бу ўсимликларга қараганда гўштга нисбатан бўлган нафрат ассоциацияси ҳам бўлиши мумкин.

Айрим озиқ-овқатларга гарчи тақиқлар қўйилмаган бўлса-да, муайян диний маросимлар вақтида (масалан, рамазон ойида) инсон ҳаётининг маълум даврларида (масалан, ҳомиладорликда) ёки бир гуруҳ табақа вакиллари (дин пешволари, руҳонийлар) томонидан истеъмол қилинмайди.

Мэри Дугласнинг фикрича, ибтидоий қабилаларда табу, ривожланган жамиятларда эса дин одамларнинг овқатланиш ҳақидаги тушунчаларини шакллантиради. Ибтидоий динлардаги табу тушунчаси илғор динлардаги диний эътиқоднинг мураккаб бўлмаган ҳолатидир. Барча динларда мавжуд бўлган баъзи озиқ-овқат ва ҳайвонларнинг тақиқланиши мазкур егуликларнинг жирканчлиги аниқлаб берилади. Яъни мутлақо ҳаром деган нарсанинг ўзи йўқ. Зеро, пок ёки нопок деган тассавур кўпинча диний жамиятнинг онгида вужудга келади. Динларда ҳаром деб ҳисобланган егуликлар ҳар бир дин вакилларига кўра ўзгаради. Масалан, буни чўчкага бўлган турли муносабатларда кўриш мумкин (Douglas, 2005: 23-81).

Маълумки, чўчка соф диний нуқтаи назардан мусулмон халқларида ҳаром саналади ва унинг гўштини ейиш тақиқланади. Туркий халқларнинг анъаналарида чўчка салбий ўрин тутаяди ва унинг гўшти азалдан ейилмай келинади. Чўчка ёмон руҳларни чақирувчи ҳайвон ҳисобланган ва бундай қараш Исломдан кейин ҳам давом этган (Ögel, 1995: 541).

Айтилганлар билан бирга, ўзбек, қирғиз, қозоқ ва бошқа туркий халқларнинг лингвомаданиятларида чўчка сўзи ҳақоратни билдиради. Русларда чўчка а) ифлослик, б) нонкўрлик, д) тарбиясизлик; инглизларда *pig* очофатлик; вьетнамларда чўчка аҳмоқлик рамзи бўлиб келади.

Узоқ Шарқ маданиятида, хусусан, Хитойда чўчка дастлаб очкўз ва ифлос ҳайвон ҳисобланган, бироқ кўлга ўргатилгандан сўнг фойдали ҳайвонга айланган. Кореяда чўчка тўкин-сочинлик, бойлик ва фаровонлик тимсолини ифодалайди. Бинобарин, янги уй ёки машина сотиб олинганда дастурхонга чўчканинг боши тортилади. Ёки тушида чўчка кўрса, кўлига катта миқдорда пул тушишига ишонилади. Шу сабабдан Кореяда чўчка тасвири тангадон (копилка)лар кўп тарқалган.

Ҳар бир маданиятнинг ўзига хос миллий таомлари унинг бошқа маданиятлардан ажратиш турадиган воситалардан бири саналади. Озиқ-овқат ва егулик билан боғлиқ табулар ҳамда мазкур минтақага хос бўлган таомлар кўшнилари тавсифлашда кўл келади (Goody, 2013: 190-191). Бунга мисол тариқасида, ҳиндларга кўра, мусулмонларнинг сигирни қурбонлик қилишлари ёки мусулмон ва яҳудийларга кўра, ҳиндлар ва насронийларнинг чўчка гўштини истеъмол қилишларини келтириш мумкин. “Муқаддас сигирни сўйиш” ва “ифлос чўчқани ейиш” каби урф-одатлар ва тақиқлар бир томондан диний мансубликни

белгиласа, иккинчи томондан ижтимоий зиддиятларнинг сабабларидан бири бўлиши мумкин (Nazife, 2017: 1209).

Баъзи халқлар маданиятида табу ҳисобланган озиқ-овқатлар бошқа халқлар маданиятида меъёрий ҳол бўлиб, улар ҳеч қандай тақиқларсиз истеъмол қилиниши мумкин. Масалан, “Туркияда (барча туркий халқлар ва ҳ.к. халқларда ҳам – таъкид бизники Ш.Шамсиева) тақиқланган таомлар сифатида танилган чўчка, ит, маймун, сичқон сингари ҳайвонларнинг гўшти дунёнинг кўплаб мамлакатларида истеъмол қилинади ва уларнинг маданияти учун меъёрий ҳол ҳисобланади”². Жумладан, бошқа маданиятлар учун жирканч бўлган ит гўшти корейс таомларининг ажралмас қисмидир. Бироқ ҳамма жойда ҳам ит гўштини топиб, еб бўлмайди. Ит гўшти Кореяда энг қиммат гўшт тури бўлиб, уни фақат махсус ресторанлардагина ейиш мумкин. Бироқ мазкур ресторанларнинг таомномаларида ит гўшти кўрсатилмайди. Фақат мижозлар томонидан истак билдирилиб, сўралганда пишириб берилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ит гўшти ҳар доим ҳамма томонидан тановвул қилинмайди. Кореяда 30 ёшдан ошган, уйланган эркаклар жинсий қувватни ошириш учун ит гўштини истеъмол қилишади. Бундан ташқари, ит гўшти иссиқликдан ҳимоя қилади, деб ҳисоблангани учун у, асосан, июль ва август ойларида истеъмол қилинади.

Худди шундай от гўшти Япония, Италия, Франция ва Ўрта Осиё халқлари, хусусан, козоқ ва ўзбеклар томонидан кенг танаввул қилинадиган маҳсулот ҳисобланади. Айниқса, ўзбек миллий таомларининг бошида келадиган норин ва шилпилдоқни от гўштисиз тассаввур қилиш қийин. Бироқ дунёнинг аксарият мамлакатларида деярли истеъмол қилинмайди. Туркияда от гўшти макруҳ саналади ва у истеъмол қилинмайди. Шундай бўлса-да, уни баъзи истисно ҳолатларда (масалан, уруш вақтида вазиятдан чиқиш учун) ейиш мумкин бўлади.

Турли динлар айрим озиқ-овқат турларини истеъмол қилишни тақиқлайди. Бинобарин, яхудийликда нимани ейиш мумкин ва нимани ейиш мумкин эмаслиги “Кашрут” қоидаларида белгиланган бўлиб, унга қатъий амал қилинади. Масалан, гўшт маҳсулотларини сут маҳсулотлари билан аралаштирмаслик. Айни ўхшашликни Ислолда, хусусан, озиқ-овқат турларини ҳаром ва ҳалолга ажратилишида ҳам кузатиш мумкин. Аксарият индуслар мол гўштини тановвул қилишмайди, унинг ўрнига кўпроқ сабзавотларни истеъмол қилишни афзал кўришади.

Хитой маданиятида янги йилва тўймаросимларида дастурхонга, албатта, балиқ тортилиши шарт. *Балиқ* 魚 *у* сўзининг талаффузи 余 *у*-тўкин сочинлик сўзи билан оҳангдош бўлгани учун дастурхонга тортилган балиқнинг гўшти тановул қилинади. Балиқнинг боши ва думи бегоналар (меҳмонлар) томонидан ейилмайди, мазкур қисмлар уй эгаларига қолдирилади. Бу янги оиладаги турмуш қурган икки ёшнинг умри давомида тўкин-сочинлик ҳамроҳлик қилишини ифодалайди.

Қайд этилганлар билан бирга, озиқ-овқат табуларининг айримлари муайян диний маросимлар билан боғлиқ бўлади. Туркий халқларнинг урф-одатларида ўлим ва дафн билан боғлиқ тақиқларнинг анча кенг тарқалгани кузатилади. Табулаш ҳам муайян асосга эга бўлади. Дунё халқларининг ўлим билан боғлиқ одатларни табулаштиришда маълум сабаблар ётади. Бинобарин, ўлим дунё яратилгандан буён инсонни даҳшатга солиб келаётган ҳодисадир. Ўлим ҳақ бўлиши билан бирга, ўлимдан кейинги мавҳумлик, яқинларидан айрилиш ва ўлим пайтидаги азоб уни даҳшатли ҳақиқатга айлантирган.

Ўзбек маданиятида ўлик чиқарилган куни шу хонадонда қозон осилиб, овқат қилинмайди. Бу куни марҳумнинг оиласига қариндош-уруғлар ва қўни-қўшнилар овқат олиб

²<https://www.kizlarsoruyor.com/kisilik-karakter/q361120-guney-koreli-bir-erkekle-evlenmek>

киришади. Ўлик чиққан уйда, яъни мархумнинг оила аъзолари ва яқин қариндошларининг 40 кун давомида (чилла) муайян озиқ-овқатларни, хусусан, тухум, суяк, писта ва ҳ.к.ларни истеъмол қилиши тақиқланади. Оила аъзоларининг тухуми, уруғи ва суяги қуришига бўлган кўрқув бундай табуни юзага келишига сабаб бўлган.

Шу билан бирга, маърака маросими дастурхонига тортиладиган таомлар сонининг жуфт бўлиши тақиқланади. Чунончи, тоқ сонлар ўлим, фалокат, умуман, омадсизликни ассоциациялайди. Шу боис, мархумнинг руҳига бағишланган маросимлар тоқ кунларда, масалан (уч, етти кунда), йигирмаси 19 кунда, қирки 39 кунда ўтказилади.

Тановвул чоғида истифода этиладиган айрим идиш-товоқ вабошқа воситалар билан боғлиқ табуларнинг ҳам вужудга келганини кўриш мумкин. Одатда, Узоқ Шарқ маданиятида таомларнинг барча туриовқат таёқчалари воситасида истеъмол қилинади. Шунинг учун ҳам хитой, корейс ва япон маданиятида овқат таёқчалари билан боғлиқ қатор этнографик табулар юзага келган. Хитойда “kuaizi” (овқат таёқчалари)ни тушириб юбориш ёки синдириб қўйиш фалокатдан хабар беради. Хитоймаданиятида “筷子”kuàizi овқат ейишга мўлжаллангани учун уни ялаш ёки у билан ниманидир, кимнидир кўрсатиш ва бошқа хатти-ҳаракатларни амалга ошириш маданиятни ва анъаналарни ҳақорат қилиш, дастурхон атрофидаги қонун-қоидаларга нисбатан ҳурматсизлик сифатида қабул қилинади. “筷子”kuàizining учи дастурхон атрофида ўтирганлардан бирига қаратиб қўйилса, жанжал чиқади, деган қараш мавжуд. Шунинг учун овқатдан сўнг, албатта, “kuaizi”ни махсус тагликка ёки тарелканинг олдига учини чап томонга қаратиб қўйиш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, косадаги гуруч ёки бошқа овқатларга “筷子”kuàizi ёки қошиқни тикка қилиб тикиб қўйиш ҳам номақбул ҳаракатлардан саналади. Чунки, фақат мархумга аталган овқатгагина “kuaizi” ёки қошиқ тикиб қўйилади. Ўзбек маданиятида эса, аксинча, косадаги овқатга қошиқ солиб дастурхонга тортиш меъёрий ҳол саналади.

Юқорида айтилганлар билан бирга, тановвул пайтида пичоқ билан боғлиқ баъзи тақиқлар ҳам кузатилади. Масалан, ўзбек хонадонидида дастурхонга фотиҳа ўқиладиган пайтда пичоқ олиб қўйилади. Пичоқ фотиҳани кесиб қўяди, деб ирим қилинади. Мўғулларда ҳам қозондан пичоқ билан гўшт олмаслик тақиқланади. Хитойда Янги йил дастурхонига пичоқ қўйилмайди, чунки, кимдир қўлини кесиб олса, у бутун йил давомида омадини кесиб ташлаган, яъни ундан омад юз ўтирган бўлади.

Умуман, табулар, тақиқлар, огоҳлантиришларнинг ўз асосли мантиғи, мазмуни ва воқеа-ҳодисалари бўлади. Кўп марта такрорланган мазкур ҳодисаларда ҳосият бўлганлиги учун халқ билиб уларни тақиқлаб, кейинги авлодларни огоҳлантириб кетган. Шунинг учун ҳам табулар бир халқ маданиятидан иккинчисига, учинчисига кўчиб юради.

Юқоридаги таҳлиллардан кўриш мумкинки, табу маълум бир жамиятнинг нафақат айрим хатти-ҳаракатлари, балки шу жамият аъзоларининг еб-ичишига нисбатан ҳам қаратилган тақиқлардир. Табулар орасида озиқ-овқатлар билан боғлиқ тақиқлар кенг тарқалганлиги билан ажралиб туради ва уларнинг асосий мақсади поклик ва тартибни сақлашдир.

Жамият вакиллари томонидан диний, маданий, ҳуқуқий ёки бошқа тақиқлар туфайли айрим озиқ-овқат ва ичимликлар истеъмол қилинмайди. Бироқ баъзи халқлар маданиятида тақиқланган озиқ-овқатлар бошқа халқлар маданияти учун меъёрий ҳисобланади ва улар ҳеч қандай табуларсиз истеъмол қилинади. Шунингдек, айрим динларда ҳаром деб ҳисобланган егуликлар турли дин вакилларига кўра ўзгаради.

Умуман, турли маданиятларнинг ўзига хос хусусиятлари, ижтимоий-маданий меъёрлари, одоб-ахлоқ қоидалари, урф-одат, анъана, удум, таомил, рамз, табу ва ҳ.к.ни тадқиқ этишмаданиятлараро мулоқотда юзага чиқадиган тўқнашувларни,

тушунмовчиликларни олдини олади, коммуникациянинг муваффақиятли ва самарали бўлишини таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар (REFERENCES)

1. Миртожиев, М. (2010) Ўзбек тили семасиологияси. Тошкент: Mumtoz so‘z.
2. Usmanova, Sh. (2017) Tarjimaning lingvomadaniy aspektlari. Toshkent: TDShI.
3. Ахманова, О.С. (1966) Словарь лингвистических терминов. Москва: Советская энциклопедия.
4. 胡文仲 (1999) 跨文化交际学概论：外语教学与研究出版社
5. ICCS 论文篇辑组 (1995) 跨文化交际研究：哈尔滨工业大学出版社
6. Douglas, M. (2005) SaflıkveTehlike, Çev: EmineAyhan, İstanbul: MetisYayınları.
7. Ögel, B. (1995) Türk Mitolojisi, C. II. Ankara: Türk Tarih Kurumu Basımevi.
8. Goody, J. (2013) Yemek, Mutfak, Sınıf-Karşılaştırmalı Sosyoloji Çalışması, (Çev. Müge Günay Güran), İstanbul: Pinhan Yayınları.
9. Шамсиева, Ш. К. (2020). КЕКСАЛИК БИЛАН БОҒЛИҚ ЭВФЕМИЗМЛАРНИНГ ЛИНГВОМАДАНИЙ ТАДҚИҚИ (ХИТОЙ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИ МИСОЛИДА). *МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА*, 3(3).
10. НАЗИРОВА, Ш. М. (2016). ТЕОРИЯ ФОРМАЛЬНОЙ И ДИНАМИЧЕСКОЙ ЭКВИВАЛЕНТНОСТИ В ПЕРЕВОДЕДЕНИИ: ПРАГМАТИЧЕСКИЙ ИНВАРИАНТ. In *Будущее науки-2016* (pp. 311-315).
11. Anvarovna, P. N. S. (2022). PHILOLOGY STUDENTS FOREIGN LANGUAGE INTERCULTURAL COMPETENCE DEVELOPMENT IN TEACHING CHINESE LANGUAGE: RESULTS OF EXPERIMENTAL TEACHING. *湖南大学学报 (自然科学版)*, 49(03).